

“ТАСДИҚЛАЙМАН”


Ўзбекистон Республикаси Миллий
Гвардияси Ҳарбий-техник институти

бошлиғи
полковник



М.Х.Рустамбаев

2017 йил “22” декабрь



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Эксперт-криминалистика бош маркази

бошлиғи

подполковник



Н.М.Галипшин

2017 йил “22” декабрь



**Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник
институти “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедраси ва Ўзбекистон
Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази
ўртасида ўзаро ҳамкорлик**

К Е Л И Ш У В И

Мазкур келишув бир томондан Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти (кейинги ўринларда – Институт) “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедраси ва иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида тузилмоқда.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу келишув Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ-1990-сонли “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тузилмоқда.

2. Ушбу келишувнинг асосий мақсади – Институтда ўқув жараёни, ўқув-услубий тадқиқот ишларини самарали ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш, жаҳон таълим стандартларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, тажриба алмашиш, услубий ёрдам кўрсатиш, ҳамкорлик қилувчи томонларнинг илмий, амалий, таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, қўшма анжуманлар ўтказиш (илмий, амалий ва бошқ.) борасида ҳамкорлик қилишдан иборат.

Марказ томонидан илмий-услубий, ташкилий ва амалий ҳамкорлик кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштириш ушбу келишувнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3. Томонлар илмий-техник (ўқув-услубий, илмий-амалий) ва интеллектуал имкониятларни бирлаштирган ҳолда куйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

Давлат таълим стандартлари асосида Институт “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедраси томонидан “Махсус вазифаларни бажариш кўшинларининг тактик кўмондонлиги” (юрист), “Кўшинлар махсус қисмларининг тактик кўмондонлиги” (юрист) мутахассисликлари бўйича етук, малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида ўзаро самарали ўқув-услубий ҳамкорликни ташкил этиш;

“Криминалистика” фани бўйича тайёрланадиган ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалари бўйича тақризлар бериш;

Курсантлар иштирокида “Криминалистика” фани бўйича долзарб бўлган мавзуларга бағишланган семинарлар ва учрашувларни ташкил этиш;

Марказ ва Институтнинг қонунчилигини янада такомиллаштириш юзасидан ўзаро ҳамкорликда таклифлар ишлаб чиқиш;

Экспертизаларнинг замонавий имкониятлари, криминалистик техника воситаларидан фойдаланиш бўйича ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш, унда криминалистик экспертиза турлари, уларнинг имкониятлари, қўлланиладиган криминалистик техника воситалари, усуллари, асбоб-ускуналар билан таништириш, ўзаро тажрибалар алмашишни йўлга қўйиш.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4. Институтнинг мажбуриятлари:

Марказ ва Институт ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш;

Марказда илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга амалий ёрдам бериш;

Институт “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедрасидаги ўқув жараёни, ўқув-услубий ишларини самарали ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Марказ томонидан сўралган (Институт томонидан руҳсат этилган) ҳужжатлар ва материалларни ўз вақтида етказиб бериш;

Марказ ходимларининг илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари ва келгусида фалсафа доктори (PhD), фан докторлари (DSc) тайёрлашга (жумладан мақсадли асосда) кўмаклашиш;

Марказнинг малакали мутахассис-ходимларини Институт ўқув жараёнига жалб этиш;

Марказнинг малакали мутахассис-ходимларини Институтда ўтказиладиган тарғибот тадбирларига (давра суҳбатлари, семинар, конференциялар ва бошқ.), ўқув жараёнига (маъруза, амалий ва бошқа машғулотлар ўтказишга) таклиф этиш;

Марказда ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш.

5. Марказнинг мажбуриятлари:

Институт ва Марказ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

Институтда ўқув жараёни, ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга амалий ёрдам бериш;

Институт базасида “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, хусусан, уларнинг илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация воситаларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

Институтда илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этишга, Институтнинг халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот алоқаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, профессор-ўқитувчилар, курсантларни илмий анжуманларда иштирок этишларига кўмаклашиш;

Институтнинг ёзма сўров хатига асосан ўтказиладиган маъруза, амалий ва “очик дарс” машғулотларига Марказнинг тегишли мутахассис-ходимларини юборилишини таъминлаш.

IV. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА МУДДАТИ

6. Келишув икки томонлама имзоланган кундан бошлаб кучга киради;

7. Келишув 5 (беш) ўқув йили давомида амал қилади. Келишув муддати тугашидан бир ой олдин томонлардан бири ушбу келишувнинг амал қилишини яқунлаш ҳақида ёзма равишда эълон қилмаса, келишув ўз-ўзидан кейинги 5 (беш) ўқув йилига узайтирилган ҳисобланади.

V. КЕЛИШУВНИ БЕКОР ҚИЛИШ

8. Томонларнинг ўзаро розилиги билан;

9. Келишув шартлари бажарилмаган тақдирда томонлардан бирининг ташаббуси билан.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10. Келишувда томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари назарда тутилмаган;

11. Келишувнинг шарҳланиши ёки қўлланилиши бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан амалга оширилади;


12. Мазкур келишувни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорликнинг бошқа шакллари бўйича зарурат туғилганда, улар томонларнинг ўзаро розилигига асосан келишувга тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш йўли билан ҳал этилади;

13. Келишув икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Миллий Гвардияси Ҳарбий-техника
институти, 100109, Зангиота
тумани, Чорсу кўрғони.
Тел.: 230-32-71, Факс: 230-32-50

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Эксперт-криминалистика бош
маркази, 100029, Ю.Ражабий
кўчаси, 1-уй
Тел.: 231-33-79, Факс: 233-84-68

Ўзбекистон Республикаси
Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник
институти “Махсус ҳуқуқий
фанлар” кафедраси бошлиғи
подполковник
 **Ж.О.Махмудов**

2017 йил “___” декабрь

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Эксперт-криминалистика бош
маркази бошлиғининг биринчи
ўринбосари
подполковник

Ш.Н.Юлдашев


2017 йил “21” декабрь